*Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми олдидан*

# ҚАЙТА ҚУРИШ — АМАЛИЙ ИШЛАРДА ҚАРОР ТОПАДИ

Яқин кунларда биз — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари ва Бюроси аъзолари Марказий Комитет пленумида қайта қуришга қандай раҳбарлик қилганлигимиз ва унинг амалий ишларда қай даражада қарор топганлиги тўғрисида ҳисобот берамиз. Ишнинг катта жабҳаси учун масъул бўлганингда ҳисобот беришнинг ўзи бўлмайди. Кўп нарсаларни тарозига солиб кўриш, кўп нарсалар устида мулоҳаза юритиш ва табиийки, одамларнинг катта доираси билан маслаҳатлашишга тўғри келади. Ана шу зарурият пленум арафасида Марказий Комитет секретарларининг матбуотда мақолалар билан чиқишига ундаган сабаб бўлди. Катта талаблар асосида бўладиган очиқ-ойдин гапга одамларнинг эътиборини, юзхотирсиз фикрларини қанчалар кўп жалб этсак қайта қуриш деб аталмиш энг муҳим умумпартиявий, умумдавлат ишида қўлга киритадиган ютуғимиз шунчалар салмоқли бўлади.

Ўзимизнинг икки йиллик ҳужумкор ишимизга қандайдир бир якун ясаётган кунларимизда КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил октябрь Пленуми қайта қуришнинг асосан бошланғич босқичи тугалланганлиги, унинг ғоявий-назарий ва ташкилий платформаси яратилганлиги тўғрисида принципиал хулоса чиқарди ва бизнинг ишлаб чиқилган программани амалда рўёбга чиқаришдан иборат ҳозирги энг муҳим вазифамизни белгилаб берди. Шу ўринда революциянинг дастлабки ойларида Ленин берган маслаҳатларнинг хотирага келиши жоиздир: «...Ҳозир ҳамма гап **амалиётда** эканлигини, энди назария амалиётга айланадиган, амалиёт билан жонланадиган, амалиёт билан тузаладиган, амалиётда синаладиган тарихий пайт келганлигини, бу вақтда Маркснинг: «Амалий ҳаракатнинг ҳар бир қадами бир талай программалардан муҳимроқдир», деган сўзлари айниқса тўғрилигини...» тушуниб олмоқ керак.

Ҳозирда бутун мамлакатда бўлганидек, республикада қийин, чуқур ва масъулиятли амалий иш олиб борилмоқда. Бизнинг концепциямизни ҳаёт билан боғлаш учун кўп нарсаларни ўзгартириш зарур. Зотан, кўп нарсалар ўзгармоқда ҳам, лекин экономикани ва бошқа ҳаётий муҳим жиҳатларни соғломлаштириш жараёни секин кечмоқда, баъзан эса оғир ўтмоқда. Бизнинг ютуқларимизни ифодаловчи қатор кўрсаткичларни келтириш мумкин. Бироқ, асосан камчиликлар тобора яққолроқ кўринмоқда, ечимини кутаётган муаммолар тобора кўпроқ кўзга ташланмоқда.

Биз — Марказий Комитетнинг секретарлари ҳар хил одамлардан кўплаб хатлар оламиз. Улар фақат илтимослардангина иборат бўлиб қолмай, бизнинг ишларимиз ва камчиликларимиз тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларни ҳам ўз ичига олади. Хатлар фикрлашга, кўп нарсалар устида ўйлашга мажбур қилади. Мана, менинг олдимда икки хат турибди. Биттаси имзосиз, унинг автори шундай деб ёзади: «...Ҳурматли Владимир Петрович, Сизни ушбу лавозимга кўтарганларида биз Сиздан кўп нарсаларни кутган эдик...» — хатнинг давомида автор кутган нарсасининг моҳиятини очиб беради, — «Сиз бўлсангиз?..» ва хат автори унинг умидлари нималарда оқланмаганлигини писанда қилади. Мен бу мисолни ўз туйғуларимни билдиришга қулай бўлганлиги учун келтираётганим йўқ. Бироқ бу ўринда ўйлаб кўрса бўладиган нарса бор. Нима учун хат автори раҳбарнинг камчиликларини имзосиз хат билан кўрсатмоқда? Демак, ҳақиқатни айтишдан қўрқадими? Бундан чиқадиган хулоса шуки, биз ҳали республикада одамларга уларни социал жиҳатдан ҳимоя қилишни гарантиялайдиган муҳитни яратишга эриша олмаганмиз. Иккинчи томондан, дарғазаб имзосиз хуружлар — бу ўзини панага олиб турган қайта қуриш душманларининг кирдикоридир. Афсуски, улар оз эмас. Ишимизга халақит бераётган ана шу жиҳатни бартараф қилишга биз ҳали муваффақ бўла олганимиз йўқ.

Энди бошқа, имзо қўйилган ва шахсан менинг номимга йўлланган хат тўғрисида. Унинг мазмуни ёқимли. Кўп болали она катта оиласига барча қулайликлари бўлган квартира олишда берилган ёрдам учун миннатдорчилик билдирган. Бу хат мени хурсанд қилиши керагу, лекин шунга қарамай менда хушнуд фикрлар пайдо қилмади. Нима учун лозим бўлган социал неъматни кимнингдир ёрдами билан олиш керак? Демак биз ҳали ҳам адолат бўйича социал тақсимлашнинг гарантияланган системасини ярата олмабмизда? Нима учун бирон бир киши у ёки бу ташкилотга қатнайвериши ва ўзига тегишли нарсани ҳадеб ёлвориб сўрайвериши керак! Ваҳолонки, у ўзига нима берилиши ва қанча берилишини аниқ билиши, шу нарсани белгиланган вақтда албатта олиши лозимлигини билиши керак-ку!

Ўз моҳиятига кўра бу адолатли тезис амалиётда чалкашликларга айланиб кетади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети одамлар тўғрисида ғамхўрлик қилишни, уларнинг эҳтиёжлари ва талабларига эътибор билан қарашни қайта қуришга раҳбарликни амалга оширишда ўзининг энг муҳим, амалий ишларидан бири деб ҳисоблайди. Бизнинг Ўрта Осиё регионимизда оилалар одатда кўп болали бўлиб, шу боисдан баъзан турмушнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, оилада ишларнинг юришмаслиги бутун қайта қуриш асосига негизланган инсон омилини кучли равишда барбод этади ва бўшаштиради.

Ҳозир республика Компартияси Марказий Комитетида бирон-бир бюро ёки секретариат мажлиси йўқки, унда меҳнаткашлар эҳтиёжларини қондириш проблемаси кўриб чиқилмаган бўлсин. Уй-жой қурилиши, медицина ва маиший хизмат, озиқ-овқат таъминоти каби кўламли йўналишлар билан бир қаторда, шахсий илтимослар ва шикоятларга ҳам кўп эътибор беряпмиз. Республикада ҳанузгача меҳнат қонунчилигини оммавий равишда бузиш, танқид учун таъқиб қилиш, ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик ва порахўрлик каби иллатларга барҳам берилмаганлиги учун ҳам ана шундай илтимослар ва шикоятлар билан шуғулланишга тўғри келмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ана шу иллатга қарши олиб борилаётган муросасиз, лекин қийин курашни мантиқий поёнига етказиш ниятидадир.

Ҳозир ишларнинг муваффақияти ҳеч кимда шубҳа туғдирмаётир. Фақат тезроқ, халқ тили билан айтганда кўплашиб, ҳашар билан бу шармандали меросни таг-томири билан қўпориб ташлаш керак. Воқелигимизни қайта қуриш муҳолифларидан қатъият билан тозалаш ишига кенг меҳнаткашлар оммасини, меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларини яна ҳам фаолроқ жалб этиш зарурлигини биз сезиб турибмиз. Шундай қила олинган жойларда порахўрлар ва бадкирдорларнинг куни битади.

Бироқ шуни очиқ айтиш керакки, уларни адолат исканжасига олиш ҳамма вақт ҳам осон кўчмайди. Кўпинча уларни мустаҳкам ҳимоявий ва ҳомийлик алоқалари ўраб олган бўлади. Бу хусусда жуда кўп мисолларни келтириш мумкин. Ўтган йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик учун қатор қаллобларни КПСС аъзолари сафидан чиқариш тўғрисидаги қарори матбуотда эълон қилинганлиги ўқувчиларнинг эсидадир, балким. Шулар орасида Бухоро область ижроия комитети капитал қурилиш бошқармасининг бошлиғи У. М. Маҳмудов ҳам бор эди. У эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди. Аммо шундай илтимосчи ва ҳимоячилар топилиб қолдики, улар бу олғирнинг хизматлари рўйхатини бичиб-тўқидилар ва имзолар тўплашни ташкил этдилар. Ана шу факт очиқ партия йиғилишида муҳокама қилинганида бичиб-тўқилган қоғозга ўз имзосини қўйганлар бу ножўя ишнинг кўнгилчан ташкилотчилари томонидан алданганликларига ишонч ҳосил қилдилар.

Қўлига ҳокимият бериб қўйилган турли-туман ҳомийларнинг хатти-ҳаракатлари баъзан, юмшоқ қилиб айтганда, ўзининг бепардалиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Масалан, Самарқанд область партия комитети умумий бўлимининг мудири ўртоқ Ў. С. Турсунов шубҳали обрў орттирган Ш. Шамсиев деган кимсани ҳимоя қилиб, Самарқанд шаҳар партия комитетига шунчалар тиришқоқлик билан хуруж қилди-ки, ваҳолонки, у ўз ишида бунақанги тиришқоқлиги билан кўзга ташланмаган эди. «Интурист» ресторанининг директори бўлиб турганида Шамсиев қаллобларга ҳомийлик қилган, хўрандалар ҳақидан уриб қолувчилар ва уларни алдаганларга йўл бериб қўйган. Аммо жазо олиб, бу лавозимидан ҳайдалганидан сўнг у Боғишамол район озиқ-овқат савдоси директорининг ўринбосари бўлиб олди. Ҳақиқат тантана қилиши учун Самарқанд шаҳар партия комитетига анчагина куч-ғайрат сарфлашга ва область партия комитетининг масъул ходими ўртоқ Ў. С. Турсуновдек қаттиқ тўсиқни бартараф этишга тўғри келди. Ш. Шамсиевни ишдан олиб ташлашди, лекин шу нарса эҳтимолдан холи эмаски, у ва унга ўхшаганлар Ў. С. Турсунов кабиларнинг паноҳида ҳозирча кун кўриб юрган бўлишлари мумкин. Албатта ушбу воқеадан иложсиз бир ҳолатга тушиш ярашмайди, бундай бўлиши ҳам мумкин эмас, лекин юқорида тасвирланган ҳодисани инкор қилиш ҳам мумкин эмас.

Ҳозир, бизнинг жамиятимизда демократия кенгайиб бораётган, қайта қуриш чуқурлашаётган бир шароитда умрини яшаб бўлган нарсаларга қарши курашда умумхалқ принципиаллиги ва очиқ-ошкоралиги тобора зўр куч билан намоён бўлмоқда. Уни бутун куч ва воситалар билан қўллаб-қувватлаш даркор ва республика Компартияси Марказий Комитети ҳам фавқулодда бу муҳим йўналишда ўз амалий фаолиятини кучайтиришга интилмоқда. Яна ўтган йили матбуотда босилиб чиққан қароримизга мурожаат қиламан. Ўшанда Марказий Комитет Бюроси «Главташкентстрой»нинг кадрлар бўйича бошлиғи ўринбосари З. Содиқовни ва Тошкентдаги 1-Уйсозлик комбинати бошлиғи Э. Рустамовни партия сафидан чиқариб, вазифаларидан озод қилган эди. Улар ўз иш жойидаги камчиликларни очиб ташлашга журъат этган Фориш район Совети депутати, сувоқчи-бўёқчилар бригадири В. А. Оверкони ғайриқонуний равишда ишдан бўшатган эдилар. Бу воқеани қўзғамаслик ва эсга олмаслик мумкин эди. Бироқ яна ҳимоя қилиш сояси пайдо бўлиб қолди. Юқорида номлари тилга олинган раҳбарлар атрофида югур-югур бошланиб, худди спортдагидек, «бутун майдон бўйлаб ҳужумга ташланилди». Оқибатда Э. Рустамов ҳомийсиз эмас албатта, Марказий Комитет Бюросида апелляция бўйича иш кўрилаётганда ҳатто партия контроли комиссияси раҳмини келтириб ўзининг ножўя хатти-ҳаракатлари учун тавба-тазарру қилади ва айбини тан олади. Биз ундан ўзининг принципиаллиги учун азият чеккан ишчи В. А. Оверкодан кечирим сўрадингизми, деб суриштирдик. Тавба-тазарру қилган раҳбар ҳозир у ишчи қаерда ва нима қилаётганлигини суриштириб кўрдими? Маълум бўлишича бундай қилмаган. Шунда унинг тавба-тазарруси сохта бўлиб чиқди.

Марказий Комитет Бюроси ўз қарорини қайта кўриб чиқмади ва бу билан бугунги кунда қайта қуришда халақит бераётган барча нарсаларга нисбатан муросасиз позициясини таъкидлаб ўтди. Муросасизлик, қатъият республика партия ташкилотининг кўпгина партия коллективлари учун характерлидир. Бу ҳақда кейинги пайтларда бир қатор кўриб чиқилган муаммоларга қараб баҳо берса бўлади. Мана шу масалаларга ошкора равишда принципиал партиявий баҳо берилди. Булар орасида уй-жойлар тақсимоти, нон саноатининг иши, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, республика «Билим» жамияти, «Ўзбекфильм» киностудияси, Ўрмон хўжалиги министрлиги, «Союзхлопок» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси каби бир қатор ташкилотларнинг раҳбарлари бор. Уларнинг раҳбарлари ва уларга бўйсинувчи кўпгина кишилар орани бузиш ва нафсоният ботқоғига ботдилар. Ҳалол меҳнатни ҳурматлашни унутдилар. Марказий Комитет Бюросининг мана шу ташкилотлар бўйича қарорлари ҳамма жойда ҳам ҳозирча кутилган самарани бергани йўқ. Чунки ҳамма ишни қилса бўлади, деган тушунча ва масъулиятсизликнинг ўз-ўзидан юзага келган нормалари тоза сув юзидаги қорамойдай турибди. Унга тош отсанг у ўша заҳоти бир тарқайдию яна пайдо бўлади. Тўла-тўкис покланиш учун битта восита бор. У ҳам бўлса бутун қорамойни олиб ташлаш керак.

Марказий Комитет Бюроси покланиш ва соғломлаштиришни изчиллик ва қатъият билан давом эттираверади. Биз илгари муҳокама қилинган масалаларга яна бир неча марта қайтамиз. Шунингдек бурксиб ётишда давом этаётган янги участкалар аниқлайверилади. Масалан, ҳозир аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш масалалари бўйича республика фавқулодда ҳукумат комиссияси ишлаяпти. Биз мана шу йўналишда энг қатъий чораларни кўрамиз ва тартиб ўрнатамиз. Яқин вақт ичида «Госкоминтурист»нинг бир қатор бўлинмалари фаолияти принципиал кўриб чиқилади. Бу бўлинмаларда ҳам кўнгилсиз ишлар очилмоқда.

Қайта қуриш йўлини тутган КПСС XXVII съезди йўлининг умумхалқ томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги бизнинг ҳаракатларимизга катта куч бағишламоқда. Ўзбекистоннинг меҳнатсевар халқи, корхоналар ва ташкилотларнинг ишчилари ва хизматчилари, меҳнаткаш деҳқонлари бойишга, такаббурликка қарши қаратилган принципиал партиявий позицияни қўллаб-қувватламоқдалар. Партия комитетлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, касаба союз, комсомол ташкилотлари, яқинда ташкил этилган революция, партия ва меҳнат ветеранлари кенгашлари қайта қуришнинг барча мураккаб ишларида реал таянчдир. Биз ўзимизнинг ижодий союзларимиз фаолиятида жиддий активлик борлигини қайд қиламиз ва уларга нисбатан янада яқинроқ бўлишни фойдали деб ҳисоблаймиз. Эҳтимол Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида ижодкор зиёлилар кенгашини ташкил этармиз.

Хуллас, аҳолининг барча қатламлари республикада эски юклардан халос бўлишни кенг кўламда қўллаб-қувватламоқдалар. Бизлардан янада ҳужумкор бўлишни кутмоқдалар. КПСС Марказий Комитети секретари ўртоқ Г. П. Разумовский республикада бўлганида шу ҳақда гапирди. У таъкидлаб ўтганидек бизда тўлқинсимон иш кўзга ташланмоқда. Ундаги кўтарилиш кўп жиҳатдан маҳаллий ташаббуслардан кўра КПСС Марказий Комитети ходимларининг ташрифи самарасидир. Кўпгина ишларда изчиллик қилаолмаётганлигимиз хусусидаги танқид адолатлидир. Масалан мактаб ўқувчиларини пахтага жалб этишни олайлик. Ўтган йили ваъда берган бўлишимизга қарамай биз яна шу йўлдан бордик. Ноқулай келган об ҳаво шароитлари бизга мактаб ўқувчиларини пахтага жалб этишга рухсат олишга ёрдам берди. Халқ қўллаб-қувватлади. Ўшанда телевидение, марказий газеталар пахта далаларидаги вазиятни оғир дейиш билан чекланмай, уни экстремал деб атади. Минглаб шаҳарликлар, студентлар, шунингдек мактаб ўқувчилари қалб амрига қулоқ солиб, виждоний бурчларини ўташ учун далаларга чиққанларида уларни рағбатлантирдик. Шундай бўлсада одамлар олдида ўзимизни ноқулай ҳис қилдик. Чунки биз йил бошларида мактаб ўқувчиларини пахта теримига жалб этмаслик тўғрисида қарор қабул қилган эдик. КПСС Марказий Комитети секретари бизларга: «сизлар қачон ўйламай иш тутдинглар — шу қарорни қабул қилаётгандами ёки ундан воз кечгандами?» — деб тамомила ҳақли савол берди. Назаримизда, биз ўзимиз қабул қилган қарордан воз кечаётиб нотўғри иш қилдик. Мактаб ўқувчилари ҳаммаси бўлиб 250 минг тоннадан кўпроқ пахта теришди. Мана шунча пахтани республика халқ хўжалиги бемалол териб олса бўларди. Биз эса болаларнинг оммавий равишда касал бўлишларига ва ҳатто айримларининг қишлоқ хўжалик ишларида ҳалок бўлишларига йўл қўймаган бўлардик. Болалар кўпроқ билим олган бўлардилар.

Биз ҳозир область партия комитетларига мактаб ўқувчиларини пахтага жалб этиш масаласини яна бир карра кўриб чиқишни топширдик. Биз мана шу соҳада ҳам узил-кесил тартиб ўрнатишимиз зарур деб ўйлайман.

Ушбу мақола бюро аъзолари томонидан маъқулланган. Шунинг учун мазкур ўз-ўзини танқид хусусида хилма-хил қарашлар бўлмаслиги лозим. Чунки биз ҳаммамиз бундан кейин ҳам янада талабчан ва принципиал бўлишимиз лозимлигини тушунамиз. Биз шунингдек партиянинг ҳар бир коммунистга нисбатан аввало қайта қуришни ўзингдан бошла деган талаби чуқур маънога эга эканлигини ҳам тушунамиз.

Бизларнинг ҳар биримиз Михаил Сергеевич Горбачевнинг Кремлда ўтказилган тантанали мажлисда айтган қуйидаги сўзларини яхши эслаймиз. У шундай деган эди: «Партия ролининг кучайиб бориши — қонуниятли жараён. Аммо бундай ролни қуруқ сўзлар ёки юзаки расм-русмлар белгилаб бермайди. Бу ролни таҳлил қилиш ва баҳолашнинг теранлиги ҳамда ҳалоллиги сиёсатнинг ўйлаб юритилиши ва ҳаракатларнинг қатъийлиги, хусусий билан умумийни, шахсий манфаат билан жамоат манфаатини, ҳозирги кун билан узоқ муддатли даврни қиёслай билиш маҳорати белгилаб беради. Бу ролни жамиятдаги ишларнинг бориши учун барча партия ташкилотлари ва ҳар бир коммунистнинг масъулиятини ошириш белгилаб беради».

Икки йил мобайнида Марказий Комитетда область, шаҳар ва район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг элликдан ортиқ ҳисоботи муҳокама қилинди. Бу ҳисоботлар бизнинг барча ташкилотчилик ишларимизда, шу жумладан қуйи партия бўғинларига раҳбарлик қилишимизда жиддий камчиликлар борлигини кўрсатмоқда.

Яқинда биз Андижон область партия комитетининг бошланғич партия ташкилотларининг ишини қайта қуриш бўйича иш практикасини махсус ўргандик. Маълум бўлишича область партия комитети раҳбарликнинг форма ва методларидаги турғунликни бартараф этишга муваффақ бўлмади, телефон орқали маъмуриятчилик қилишда давом этмоқда. Партия ташкилотларининг ярмиси ташаббускорликни йўқотиб қўйган. Марказий Комитет қабул қилган қарор партия комитетларини фаол ҳаракатлар қилишга даъват этиши лозим эди. Бироқ шундай бўлмади. Энг аввало область партия комитети, унинг биринчи секретари ўртоқ М. М. Орипжонов ҳисобот тўғрисидаги масалани тез унутдилар. Бошланғич партия ташкилотлари ишини қайта қуриш тўғрисида кам ғамхўрлик қилмоқдалар. Самарқанд область партия комитетининг собиқ биринчи секретари ўртоқ Р. С. Ашуралиев область партия ташкилоти ишини барбод қилди. Бунда ҳам бизнинг изчил бўлмаслигимиз ўзини намоён қилди. Биз ундан талаб қилмадик. Уни бошқа, катта участкага раҳбар қилиб қўйдик. Дарҳақиқат қайта қуришни ўзимиздан бошлашимиз, қуйи партия бўғинларига кўпроқ эътибор беришимиз лозим.

Ҳозир республикада бошланғич партия ташкилотлари жанговарлиги кўриги авж олдирилмоқда. У Фарғона область партия ташкилоти негизида ўтказиляпти. Тошкент областида жанговарлик кўриги коммунистларни аттестациядан ўтказишга айлантирилиб, у КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорини бажаришда яхши мадад бўлмоқда. Партия комитетлари ва бюроларининг ишни қайта қуриш тўғрисидаги ҳисоботлари бошланғич партия ташкилотлари учун имтиҳонга айланди. Бунда 617 та партия комитети ва бошланғич ҳамда цех партия ташкилотлари бюроларига қониқарсиз баҳо қўйилди. Мингдан зиёд секретарлар, 6300 дан кўпроқ комитет ва бюро аъзолари партия комитетлари ҳамда бошланғич ва цех партия ташкилотлари бюроси составидан чиқарилди. Ҳамма ҳам бу имтиҳонни ростгўйлик ва ҳалоллик билан топширдилар деб бўлмайди. Бир қатор йиғилишларни бекор қилишга тўғри келди. Бошланғич партия ташкилотларининг ишчанлиги, уюшқоқлиги ва жанговарлигини юксалтиришнинг янги, янада конкретроқ ўсиши ана шу ҳисоботлардан бошланиши учун имкони борича кўпроқ ишни қилиш лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кадрлар билан ишлашни такомиллаштиришнинг комплекс программасини ишлаб чиқди. Бундан мақсад — кадрлар ўзагини шакллантириш ва ишчан резервларни тайёрлаш, уларни иш юритишнинг замонавий билимлари ва методлари билан қуроллантиришдир. Бу масаладаги таклифларни КПСС Марказий Комитети қўллаб-қувватлади. Тегишли қарор қабул қилинди. Ана шу программага биноан Ўзбекистонга партия, совет, давлат аппаратини, хўжалик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини мустаҳкамлаш мақсадида қарийб 400 нафар синалган ходим юборилди. Раҳбарлик составини интернационаллаштириш маънавий-сиёсий вазиятни соғломлаштиришга кўмаклашмоқда. Коммунистлар, республиканинг барча меҳнаткашлари бу тадбирни тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқда. Республикамизнинг истиқболли ходимлари марказий партия органларига, Иттифоқ министрликлари ва идораларига фаоллик билан ишга кўтарилмоқда. Улар стажировкани ўтаб бўлгач, республикамизда ишлайдилар. Мамлакат Олий партия мактабларига, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясига тингловчилар қабул қилиш кенгайди. Ўзбекистоннинг икки юздан зиёд вакили Москва, Ленинград, Саратов, Свердловск, Новосибирскда олий партиявий-сиёсий билим олмоқдалар. Хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг мамлакат илғор корхоналарида стажировкадан ўтишлари кенгайтирилмоқда. Олий ўқув юртларини битириб чиқаётганларни бошқа қардош республикалар билан айрибошлаш ўсмоқда. Маҳаллий миллат кадрларини фан-техника тараққиётини ривожлантириш билан боғлиқ тармоқларда, шунингдек халқ хўжалигининг базавий соҳаларида тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Кадрлар потенциалини соғломлаштириш республикамиз учун шу пайтгача партия ишининг энг муҳим жиҳати бўлиб қолмоқда. Чунки бу ерда яқин-яқингача кадрлар сиёсатининг ленинча принциплари унутилган ва бузилган эди. Порага сотилиш, порахўрлик авж олган, «юқоридагилар»нинг ҳохиш-иродасига биноан халқни алдаш кучайган эди. Республикада КПСС XXVII съездининг барча салбий ҳолларга берган принципиал баҳосини яхши эслайдилар ва ҳеч қачон унутмайдилар. Съездда жумладан шундай дейилган эди: «Республиканинг собиқ раҳбарлари ҳаётдан ажралиб қолиб, фақат ютуқлар ҳақида гапириб камчиликлар тўғрисида ломмим демасликни одат қилиб олди, ҳар қандай танқидий мулоҳазалардан эса асабийлашадиган бўлиб қолди. Республика партия ташкилотида интизом бўшашиб кетди, принципсизликни, ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлашни ва амалпарастликни бирдан — бир принцип қилиб олган шахслар ҳурмат кўра борди. Лаганбардорлик, «мартабаси улуғ кишиларни» беҳад мақташ кенг ёйилди. Буларнинг ҳаммаси ишга зарар келтириши турган гап эди. Экономикада ва социал соҳада аҳвол кескин ёмонлашди, турли фирибгарлик, ўғирлик, порахўрлик авж олди, социалистик қонунчилик қўпол равишда бузилди».

Шу боис кейинги икки йил ичида КПСС Марказий Комитети номенклатурасидаги ходимларнинг 40 процентини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номенклатурасидаги ходимларнинг 35 процентини алмаштиришга тўғри келди. Марказий Комитет аппарати ходимларининг ярми алмаштирилди. Область шаҳар, район партия комитетлари секретарларидан 261 киши ёки 40 проценти, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари раисларининг 45 проценти алмаштирилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети, республика Госплани, Узсовпроф ва комсомол Марказий Комитетидаги, министрликлар ва идораларнинг аксарият қисмидаги раҳбарлик лавозимларига янги кишилар кўтарилдилар. Республика Прокуратураси, Ички ишлар, Юстиция министрликлари ва уларнинг жойлардаги органларининг ҳамма раҳбарлиги алмаштирилди. Олий, область ва район халқ судларида кадрлар соҳасида катта ўзгаришлар бўлди.

Эҳтимол буларнинг ҳаммаси тўғрисида яна бир карра гапириш шарт эмасдир. Аммо гапириш лозим. Чунки, биринчидан ўтмиш хатоларининг такрорланишига йўл қўймаслик лозим, иккинчидан эса баъзи раҳбарлар шу пайтгача ўтмиш сабоқларидан, тўғри хулоса чиқариб олишмади. Ўзини бадном қилган кишиларни битта раҳбарлик курсисидан олиб бошқасига ўтказиш каби ҳоллар ҳам юз беряпти. Натижада баъзан оғир оқибатларга олиб келаётган бемазагарчиликлар давом этмоқда. Бойсун район партия комитети лавозимларидан олиб ташланган Ю. Ҳожимуродов ва С. Тошбоевларни 12-болалар уйига раҳбар қилиб юборди. Табиийки, улар болалар уйига ўғирлик ва болаларга нисбатан шафқатсизларча муносабатда бўлишдан бошқа бирорта яхшилик келтира олмасдилар. Худди шу ерда тарбиячи аёл Л. Ф. Шевченко ўлдирилди. Ҳозир маълум бўлишича у мавжуд тартибсизликларга қарши курашишга ҳаракат қилган. Юқорида тилга олиб ўтилган болалар уйи директори ўринбосари С. Тошбоевнинг ўғли жиноят қилди. Тергов юз берган ҳодисанинг ипидан-игнасигача аниқлайди. Аммо масалага партиявий ёндашиш учун бу мисол катта сабоқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси кадрлар билан ишлашда кенг демократиялашни, унинг ошкоралигини ривожлантиришни таъминлашга интилмоқда. Кадрларни юқорига кўтаришда партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг фикр-мулоҳазалари албатта ҳисобга олиниши зарур.

Одамлар раҳбар кадрларни сайлашда демократик формалардан кўпроқ манфаатдор эканликларини намойиш қилмоқда. КПСС Марказий Комитетнинг 1987 йил январь Пленумидан сўнг 22518 нафар раҳбар — шу жумладан саноат корхоналарининг 278 директори, цех ва участкалар, смена ва бригада бошлиқларидан 20 минг киши, совхоз директорларидан 74 киши, 146 колхоз раиси, 400 дан зиёд ўқув юртлари, фан, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари сайланди. Бу нарса кадрлар билан ишлашда субъективизмга, хатога йўл қўйишдан холи бўлишга ёрдам беради.

Аммо шуни ҳам эсда тутиш лозимки кадрларни коллектив бўлиб танлашда ҳам бошқариш зарур. Тажриба умумий фикр-мулоҳазалар ҳам баъзан ғаразли мақсадларни кўзлаши мумкинлигини кўрсатиб турибди. Бу ҳол айниқса илмий ва ўқув юртларида, колхоз ва совхозларда эса бригада бошлиқлари ва раисларни сайлашда кўзга ташланмоқда. Унда қариндош ёки ошна-оғайниларни коллектив бўлиб «сайлашмоқда». Яқинда Тошкентдаги Шампань винолари заводида корхона директорлигига илгари судланган шахс сайланди. Коллектив кейинчалик ўзининг бу қарорини қайта кўриб чиқди. Аммо шу фактнинг ўзи бу соҳада ҳам партиявий раҳбарликни кучайтириш зарурлигини тасдиқлаб турибди.

Биз ҳаммамиз бугунги кунда қолоқликни, эскиликнинг қатламларини бирин-кетин кўчириб ташлашимиз лозим. Чунки ялтироқ рақамлар ва жозибали рапортлар соясида кўпгина соҳалар ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Шу боис бугунги кунда барча бўғинларда ишларни шунчаки янада яхшилаш тўғрисида эмас, балки уларни тубдан қайта қуриш тўғрисида сўз юритилмоқда. Туб қайта қуриш муваффақияти учун биринчи навбатда коммунистлар жавоб берадилар. Асосий ишлар ҳали олдинда турибди. Энг аввало шуни қайд этиш лозимки қайта қуришга бўладиган партиявий таъсир, партиявий кўмак потенциали ҳали тўла қувват билан ишлаётгани йўқ. Ана шу потенциалдан ҳамма жойда ва моҳирлик билан фойдаланиш зарур. Кишиларнинг социал кайфияти ва республика партия ташкилотининг ҳақиқий қиёфаси қандайлиги унга боғлиқдир. Республика партия ташкилоти мамлакатимизнинг барча коммунистлари билан биргаликда Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига тайёргарлик кўрмоқда. Унда мамлакатда амалга оширилаётган қайта қуришнинг дастлабки натижалари чиқарилади. Ўзбекистон коммунистлари ҳам конференцияга бажарилган ишлари тўғрисида ҳисоб берадилар деган ишончдамиз. Аммо бунинг учун қайта қуриш ғоялари кундалик амалий ишлар билан мустаҳкамланиши керак. У ҳар бир кишининг ўз иш жойидаги фаолияти билан мустаҳкамланиши зарур.

**В. П. АНИШЧЕВ,**
**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари.**

## УЛУҒ ДОҲИЙ ҲАЁТИНИНГ САҲИФАЛАРИ

**«В. И. Ленин. Ҳаёт саҳифалари» телетуркумининг сўнгги серияларида Совет давлати асосчисининг сўнгги йиллардаги фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Марказий телевидение 19 январдан бошлаб уч кун давомида «Экран» ижодий уюшмасида яратилган «Янги йўл», «Видолашув» ва «Йигирма тўртинчи йилнинг январь ойидаги мусибат» ленталарини кўрсатади.**

**Фильмлар архивлардаги ниҳоятда ноёб кино ва фотоҳужжатлар, замондошларнинг хотиралари билан таништиради. Лентага ўша даврдаги мамлакат ҳаёти, совет ва партия арбобларининг фаолияти, В. И. Ленинни дафн этиш вақтидаги умумхалқ мотами акс этган нодир кадрлар киритилди.**

**— Телетуркумнинг якунловчи серияларига кирган анчагина материаллар сўнгги 60 йилдан кўпроқ вақт мобайнида кенг томошабин нигоҳидан пинҳон тутилди, — деб ҳикоя қилади фильм режиссёри, СССР Давлат мукофоти лауреати В. Лисакович. — Фильм устида якунловчи иш бораётган кезлар демократиялаш ва ошкоралик даврига тўғри келганидан бахтиёрмиз. Бу тарихимизнинг илгари тилга олинмаган, аммо муҳим саҳифаларини ҳалоллик билан, ҳеч нарсани яширмай варақлаб чиқишимизга имкон берди.**

**Бу уч янги фильм 28 картинадан иборат туркумни якунлайди, дастлабки сериялар 1983 йилнинг апрелида экранга чиқарилган эди. Сценарийни В. Ильинский, Г. Смирнов, Е. Яковлев ёздилар. Улар яратган фильм ёш Советлар республикасида содир бўлган социал-иқтисодий жараёнларни замондошларимиз кўз ўнгида намоён этади, бу жараёнларни юзага келтиришда Лениннинг ролини теран идрок этишга имкон беради.**

**Москва.**

**(ТАСС мухбири).**

### ЛЕНИН МУКОФОТИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ КОМИТЕТИДА

18 январь куни СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг пленуми бўлди. Пленум ишида таниқли олимлар ва мамлакат халқ хўжалигининг мутахассислари иштирок этдилар.

Пленум 1988 йилги Ленин мукофотларини олишга тақдим этилган ишларни кўриб чиқди ва улардан энг муносибларини конкурсда қатнашиш учун танлаб олди.

Ана шу ишлар рўйҳати матбуотда эълон қилинади.

(ТАСС).

## Совет раҳбарининг китоби Монголияда нашр этилди

**Монголия Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрлигида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг монгол тилида нашр этилган «Қайта қуриш ва мамлакатимизга ҳамда бутун дунёга хос янгича фикрлаш» китобини расмий равишда тақдим этиш маросими бўлди.**

МХРП Марказий Комитети секретари Ц. Балхажав йиғилиш аҳли ҳузурида сўзга чиқиб, шундай деди: «Биз, монгол коммунистлари, КПССнинг бой тажрибасини доимо ўрганиб келдик ва ўрганаверамиз. М. С. Горбачевнинг китобига биз социализмни янгилаш ва такомиллаштириш, инсониятнинг XXI асрга ядро қуролсиз, зўравонликсиз ўтиши учун курашда туб программа ишлаб чиқиш масалалари борасидаги қимматли асар сифатида қараймиз.

Мазкур асарнинг чоп этилиши монгол китобхонларида қонуний қизиқиш ва зўр мамнуният уйғотди. Китобни ўз она тилларида ўқир эканлар, улар Совет Иттифоқида ҳақиқий революцион қайта қуриш жараёнини, давримизнинг мураккаблиги, масъулияти ва мислсизлигини, янгича сиёсий тафаккур моҳиятини, КПСС ва Совет давлати ташқи сиёсати фалсафасини чуқур англаб оладилар».

(ТАСС).

